



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2021
1/4/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинава Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2021

Турсунмуратов Т. О некоторых аспектах двусторонних и многосторонних отношений европейского союза с республикой Узбекистан.....	200
Убайдова В. Ўзбекистонда экспортбоп енгил саноат махсулотларини ишлаб чиқаришда нақшбандия таълимотини қўллашнинг услубий асослари.....	203
Усмонов С. Жамиятда ижтимоий-маданий барқарорликни таъминлаш ва миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг мутаносиблиги.....	207
Хайдаров И., Хайдарова С. Ички ишлар органлари ходимларини жисмоний ҳамда руҳий тайёргарлиги психологик муаммо сифатида.....	210
Хайдарова А., Хайдаров Х. Виртуал фуқаролик жамияти концепциясининг фалсафий меъзонлари.....	213
Khodjaeva U., Rashidov A. Development of artistic skills, creative ideas and ideas of future designers.....	216
Холиков А. Қўришда нуксон бўлган битирувчи ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш ва хавфсизлик кондалари.....	219
Холиков С. “Дифференциал тенгламалар” бўлиmidан амалий машғулотларини ташкил этишда case-study технологиясидан фойдаланиш.....	221
Xurramov A., Azimqulov S., Yadgarova N. Informatika darslarida o'yin texnologiyalari.....	225
Эшназарова Г. Нутқ ўстириш – болалар китобхонлигини таркиб топтириш омил сифатида.....	229
Эшонқулов Л. Эстетик тафаккур тараккиётида хажвийлик (кулгиллик) категориясининг шаклланиши ва ривожланиши.....	232
Юлашева Д. Педагогик дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда хорижий тилларни ўқитишнинг интерактив усуллари (тўқимачилик ва енгил саноат соҳасидаги мутухасислар тимсолида).....	236
Юсупов Э. Физика фанини ўқитишда smart-технологиялардан фойдаланиш.....	241
Филология	
Абдукабирова Д., Қодирова Н. Фразеологик бирликларнинг инглиз ва ўзбек тилларида таржима қилиниш тараккиёти.....	243
Abdullaeva O. Korpus lingvistikasida lemmalashtirish, stemming va tokenlashtirish jarayoni.....	246
Ахмедова А. Диахрон аспектда ўхшатишлар тадқиқига доир илмий назарий қарашлар.....	250
Бойназарова Н. Ўзбек терминларининг шаклланиши ва унинг фольклордаги ўрни.....	254
Vafoyeva M., Sayfiddinova J. She'riy asarlarda lug'aviy birliklarning qo'llanilishi haqida (4-sinf "o'qish kitobi" misolida).....	258
Zhenxin Da. O'zbek va xitoy tillari fonetik tuzilishining qiyosiy tahlili.....	261
Джалилова З. М. Драйтен шеърятнда фитонимларнинг рамзий маънолари (“The Muses of Elysium”, nymphal 5нинг 6-банди таҳлили мисолида).....	266
Jo Min Young. Особенности сравнения узбекского и корейского языков и процесс расширения значения выраженной сравнения.....	269
Жумаев Т. Ўзбек тили морфемаларида шакл ва маъно номуносаблги.....	274
Жумаева Д. “Юсуф Ва Зулайхо” дostonларининг гоъвий-мавзувий тараккиёти.....	278
Зайнобидинова Н. Ибн Синнонинг “Ҳайй ибн Яқзон” ва Жалолиддин Румийнинг “Маснавий” асарларида ақл ва нафс муносабати.....	281
Зоирова А. Феминизмнинг пайдо бўлиши ва унинг жаҳон адабиётига таъсири.....	286
Ibratov B. Ingliz va o'zbek tillarida ism-sharif onomastikasining tarjima muammolari.....	290
Икромов Н. Тилшуносликда матн мавзуси ўрганилишининг тарихий аҳамияти хақида.....	294
Комилова Д. Инглиз ва ўзбек тилларида "тадбиркорлик фаолияти шакллари" тизими ва уни таржима қилиш усуллари.....	298
Курбонова Г. Оламнинг бадий ва илмий манзарасининг ўзаро боғлиқлиги.....	301
Matajonova N. Lug'at o'qitishda tavsiya qilinadigan metodlar.....	304
Mamurova M. Linguocultural peculiarities of culinary terms in the English and Uzbek language.....	307
Муратова Д. Туризм ва терминология.....	310
Musulmonova K. Lingvistik ekspertizaning metodologik masalalari.....	313
Сайдова Ф. Лексикада даражаланиш конуниятининг тилшуносликдаги ўрни ва ўрганилиши.....	316
Сергеева Э. Функция художественного пространства в романе Андрея Волоса «Возвращение в Панджруд».....	319
Собирова Д. Қўшма гаплар орқали фойдаланган стилемалар (антитеза ва хиазм)нинг структурал-семантик турлари.....	322
Ўсаров И., Комилова Д. Терминлар ўрганилишига доир назарий таҳлиллари.....	326
Ҳакимов Х. Мехмонхона бизнеси терминологиясининг структур таҳлили.....	329
Ҳақимова М. Ўзбек тилида сифат туркумининг маъновий гуруҳлари.....	332
Холбоева Д. Ingliz va o'zbek tillarida "turizm" terminlar tiziminin lingvokulturologik xususiyati.....	336
Sharipova S. XIX asr birinchi yarmi yozma yodgorliklarida adabiy til muammosi.....	340
Erdem A. O'zbek tilidagi oila a'zolari bilan bog'liq maqollar tadqiqi.....	344



*Зарнисор ДЖАЛИЛОВА,
Бухоро давлат университети
Инглиз адабиёти ва стилистика кафедраси ўқитувчиси*

Филология фанлари доктори, профессор Ўраева Д.С. тақризи асосида

М.ДРАЙТЕН ШЕЪРИЯТИДА ФИТОНИМЛАРНИНГ РАМЗИЙ МАЪНОЛАРИ
(“The Muses of Elysium”, Nymphal Sning 6-банди тахлили мисолида)

Аннотация

Бадний адабиётда фитонимлар (ўсимликлар) инсон образида келтирилиши, шахс сифатларини поэтик ифодалаш ва баҳолаш учун ишлатилиши кузатилади. Ушбу ишда тахлилга тортилган парча М.Драйтеннинг “The Muses of Elysium” асаридан олинган бўлиб, унда инсон хусусияти ва хисларини тасвирлашда дарахтларнинг рамзий маъноларидан фойдаланилганлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: фитонимлар, рамзий маъно, лавр, эман, зайтун, мирт, мажнунтол, сарв, карағай, печак.

СИМВОЛИЧЕСКИЕ ЗНАЧЕНИЯ ФИТОНИМОВ В ПОЭЗИИ М.ДРАЙТЕНА

Аннотация

В литературе отмечается, что фитонимы (растения) описывают образ человека для поэтического выражения и оценки личностных качеств. Отрывок, анализируемый в этой работе, взят из «Муз Элизима» М. Драйтена, в котором показано использование символических значений деревьев в описании человеческой природы и чувств.

Ключевые слова: фитонимы, символическая значения, лавр, дуб, оливка, мирт, ива, кипарис, сосна, плюш.

SYMBOLIC MEANINGS OF THE PHYTONYMS IN M.DRAYTON

Abstract

In the literature, it is noted that phytonyms (plants) describe the image of a person for poetic expression and assessment of personal qualities. The passage analyzed in this work is taken from The Muses of Elysium by M. Drayton, which shows the use of symbolic meanings of trees in describing human nature and feelings.

Key words: phytonyms, symbolic meaning, laurel, oak, olive, myrtle, willow, cypress, pine, ivy.

Кириш. Жаҳондаги ҳар бир халқнинг тил ва нутқида фитонимлар (гул ва ўсимликлар)ни ифодаловчи номинатив, коммуникатив ва услубий вазифаларга эга ономастик бирликлар мавжуд бўлиб, тилшуносликнинг табиий фанлар билан интеграциясини, жамият ва табиат боғлиқлигини намоён этади. Дунё тилшунослигида ўсимликларнинг нав ва хилларини ифодаловчи лисоний бирликлар – фитонимларни халқ деҳқончилик маданиятининг лисоний ифодаси сифатида ўрганишга эътибор кучли бўлса, жаҳон адабиётшунослигида гуллар, дарахтлар образининг рамзий, метафорик ифодасига кизиккиш катта.

Асосий қисм. Кўпинча бадний адабиётда фитонимларнинг инсон образида келтирилиши, шахс сифатларини поэтик ифодалаш ва баҳолаш учун ишлатилиши кузатилади. Жумладан, Майкл Драйтенинг “The Muses of Elysium” асарида шoirнинг инсон таърифи ва хис-кечинмаларни фитонимлар воситасида тасвирланганини кўриш мумкин. Асар 10 қисмдан иборат бўлиб, улар “nymphal”лар (нимфалар) деб аталган. Унинг бешинчи қисмидаги 6-бандида шoir ва жангда ғолиб бўлган саркарданнинг хиссиётлари турфа ўсимликлар тимсолида бадний акс эттирилгани жиҳатидан эътиборни тортади:

The Garland long agoe was worne,
As Time pleased to bestow it,
The Lawrellonely to adome
The Conquerer and the Poet.[8]

“Гулшодалар тақилган бу дам жуда ажойибдир.
Фақат лавр(дафна) банди фотиҳ ва шoirни безайди”
мазмунидан ушбу шеърий бандда шoir “laurel” – лавр (дафна) тимсолини шoir-шараф ва ғалаба хиссиётларини

ифодалаш мақсадида келтирган. Зеро, қадимдан дафнанинг айнан шу мазмунда ишлатилиб келингани маълум. Жумладан, ғалабага эришган жангчилар, олимпиада ғолиблари, етук шoirлар, таникли файласуфлар, императорлар бошини хамиша дафна гулчамбарлари безаб турган.[4,249]

“Ўзбек тилининг изохли луғати”да “Дафна – лаврошларга мансуб доимо яшил хушбўй дарахт; лавр” деб кўрсатилган.[5,575] Худди шу ўринда лаврга “шу дарахтнинг барглари ва новдаларидан қилинган, шухрат ва ғалаба белгиси ёки олий мукофот сифатида ғолиб кишининг бўйнига осиб қўйиладиган чамбар” деган таъриф ҳам келтирилган.[5,482] Дафнанинг бундай маъно ифодалашига эса юнон мифологиясидаги Daphne, яъни дарё маъбудининг кизи номи билан боғлиқ. Бу ҳақдаги афсонада айтилишича, маъбуд Аполло Дафнани севиб қолган, бироқ киз ширинсухан маъбуднинг мухаббатидан кўра хурликни афзал кўриб, лавр дарахтига айланган. Шунда Аполло дарахтни кучиб, баргларида ўпиб: “Менинг севгилим бўлмас экансан, менинг дарахтим бўласан. Ҳамиша бошимда гулчамбар бўлиб, ёрқин чиройли баргларинг олтин қокилларимни безаб туради. Рим саркардалари жангларда ғалаба қозонишганда сенинг гулчамбаринг ила тақдирланади” дея таъкидлаган экан.[4,249] Шундан буён лавр Аполло учун хамиша муқаддас саналиб, шoir-шавкат ва ғалаба рамзини ифодалаб келган.

Худди шу шеърнинг тўққизинчи каторида шoir фотиҳ-жангчининг олийҳиммат ва жасурлигини тасвирлаш учун “oak”, яъни “эман” дарахти тимсолидан фойдаланган.

Most worthy of the Oken Wreath

The Ancients him esteemed,
Who in a Battle had from death
Some man of worth redeemed.[8]

Драйтон эмандан тайёрланган гулчамбар ("Oken wreath") жангчи учун энг улуг мукофот эканлигини айтади.

Дарҳақиқат, қадимги Римда жангчилар ҳарбий ютуқлари учун турли гулчамбарлар билан тақдирланиши ўзига хос одат бўлган. Улар орасида эман баргларидан тайёрланган гулчамбар бирмунча шарафли ҳисобланган. Чунки бундай гулчамбар Рим фуқароси ҳаётини асраб қолган жангчиларгагина берилган.[4,222]

Антик даврларда эман улугворлик ва куч-қудрат рамзий маънолари билан боғланган. Манбаларда келтирилишича, Европа халқлари орасида ҳеч бир дарахт унингдек қадри бўлмаган.[8]

Юкоридики зикр қилинган шеърнинг йигирма иккинчи қаторида келтирилган зайтун ("olive") тинчлик ва ҳавфсизлик, йигирма учинчи қатордаги мирт ("myrtle") эса севги-муҳаббат тимсолларини бадний ифодалашга хизмат қилган.

The Signe of Peace who first displayes,
(Тинчликнинг илк белгиси)

The Olive Wreath possesses: (Зайтун гулчамбари кўрсатади)

The Lover with the Myrtle Sprayes (Маъшук гуллаган мирт банди билан)

Adornes his crisped Tresses.[8](Сочи, зулфини безайди)

(таржима муаллифиники)

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да зайтунга "доммо яшил тусда бўладиган субтропик дарахт" дея таъриф берилган.[6,125] Юнон афсоналарида Зайтуннинг тинчлик ва осудалик маънолари билан улашишига Афина ҳамда Посейдон ўртасида Афина шахрига ҳомий маъбуд бўлиш устида кечган беллашув сабаб бўлгани айтилади. Бу беллашувда денгиз маъбудни Посейдон шахар учун сув келтирган бўлса, маъбудда Афина шахар марказида улкан зайтун дарахтини ундирди. Афина шахри аҳли эса турмушларига кўп жиҳатлардан нафи теккан зайтун дарахтини афзал кўриб, беллашувда Афинани ғолиб топшиди. Шу тарика беллашув Афина ғалабаси билан якунланади.[1,20] Зайтун одамлар орасида осойишталик ва ҳавфсизлик ҳисларини ифодаловчи тимсолга айланади.

"Мернэм Вебстер луғати" ("Dictionary Meriam Webster")да миртга "a common evergreen bushy shrub of southern Europe with oval to lance-shaped shiny leaves, fragrant white or rosy flowers and black berries", яъни "Жанбий Европада унвучи, ҳамиша яшил, сершоҳ дарахт. Барглари овалдан найза шаклига қараб ўзгарган, гуллари хушбўй ва оқ ёки қизил рангда, қора резавор мевали" деган изоҳ келтирилган.[7] Мирт гўзаллик маъбудаси Венера номи билан боғланади учун муҳаббат ҳисларини ифодалашга хизмат қилади. Ундан кўпинча келинлар гулчамбарни сифатида кенг фойдаланилган.[4,104]

Ф.Шоберлнинг "Гуллар тили" ("The Language of Flowers") асарида таъкидланишича, қадимда юнонлар муҳаббат ҳисси эгаллаган қалбда бошқа ҳиссиётларга ўрин қолмаганидек, мирт ҳам ўз гўзаллиги ва кўрки-таровати билан унган жойда бошқа ўсимликларни инсон назари илмаслигига ишонилган.[4,105] Мана шу ўхшаш ишонч бу дарахтнинг бадний ижодда муҳаббат рамзини ифодалаб келишига асос яратган.

Кейинги бандда шоир ҳўрланган, ташлаб кетилган муҳаббатни ифодалаш учун мотамзадалик, бахтсизлик ва азоб рамзи сифатида талкин этилувчи мажнунтол ("willow") тимсолдан фойдаланган:

In Loue the sad forsaken wight (Муҳаббатда ташлаб кетилган инсон)

The Willow Garland weareth: (Мажнунтол гулчамбарини такади).

The Funerall man befitting night, (Тундек қора мотамдаги инсон)

The balefull Cipresse beareth. (Ғамгин сарв дарахтини тутати).

Одатда, мажнунтол марҳумлар қабрига ўтказилиши ва унинг новдалари ерга қараб осилиб туриши инсоннинг мотамсаролик, ғамгинлик, андухли рухий ҳолатини эслатувчи белгис сифатида намоён бўлади. Шуни эътиборга олиб, мажнунтол бадний ижодда кўпинча ўз ёридан айрилган ошқик тол тимсолида талкин этилиши дунё халқлари поэтик анъанасида турғунлашган. Мана шундан келиб чиқиб, Ф.Шоберл бу дарахтга нисбатан "weeping willow", яъни "йиғлаётган мажнунтол" таърифини келтирган.[4,44]

Шарқда араблар орасида кенг тарқалган Ботшева ҳақидаги афсонада ҳам мажнунтолнинг ғам-андух туфайли тўқилган кўз ёшлардан пайдо бўлганлиги ҳақида сўз юритилади. Унда айтилишича, Довуд подшоҳнинг ҳузурига икки инсон шикоят билан келади. Улардан бири: "Бу кишининг ҳамма эҳтиёжларига етарли 99 та қўйи бор, аммо менда бор қувонч ва завқим бўлган битта қўйим бор эди. Бу инсон ўша яққаю ягона қўйимни зўравонлик билан мендан тортиб олди", – дея шикоят қилади. Бунни эшитган Довуд Ботшеванинг эрини ўлдириб, ўзини мажбуран рафиқаликка олганлигини, бегуноҳ хотин-қизларга тўлиб кетган харамини ўйлаб, қилган гуноҳ ишларидан қаттиқ қайғуга ботади. Қаршисидаги икки инсон асли парвардигорнинг икки фариштаси бўлиб, унинг гуноҳларини эслатиш учун узатилганлигини пайқайди ва сажда берилиб истиғфор келтиради. Ниҳоят, унинг қирқ кечаю қирқ кундуз тўққан кўз ёшидан икки ирмоқ пайдо бўлиб, боғга томон оқиб боради ва улардан икки дарахт униб чиқади. Булар йиғлаётган мажнунтол ва кўз ёш тўққан тутатки дарахтлари бўлиб, Довуднинг самийий таъбасини акс эттиради. Худди шу мавзу ўн бешинчи қаторда келган сарв дарахти ("cypress tree") билан ҳам давом эттирилган. Зеро, Овидийнинг Аполло ва унинг дўсти ҳақидаги ҳикояда сарв дарахти ғам-андух ва мотамсаролик рамзини ифодалаган.

Шеърнинг ўн олтинчи қаторида келган еттинчи рамз қарағай дарахти "pine tree" (To Pan we dedicate the Pine) номи билан боғланади. Шунингдек, бу ўринда юнонларнинг май ва мастлик маъбудни Бакес (Bacchus)нинг қадимий рамзи саналган печак ("ivy") номи ҳам тилга олиб ўтилади.

Хулоса. Юкоридики келтирилган флора рамзлари умумлаштирилганда, шеърнинг уруш ва жанглардаги жасоратларидан қучли рухий қувват оладиган тажрибали ва ўз эътиқодларига содиқ жангчи ҳақида экани аниқлашлади. Асар бошида қахрамон жангчи муқаддам қўлга қиритган ғалабалари ва жасорати учун ғолиблик рамзи – лавр (*laurel*) билан тақдирланади. Унинг олижаноблиги эман (*Oken wreath*) рамзи орқали тасвирланиб, жангчилик маҳорати афиналиклар эътирофи бўйича макталган. Бироқ жангчи қанчалик қадрланмасин, тинчлик қарор топгач, унинг хизматида, *Olive Wreath* – зайтун гулчамбарни тақдирлашга эҳтиёж қолмайди. Ана шунда у салбий ҳисларга берилиб, ташлаб кетилган муҳаббат рамзи *Myrtle* – мирт каби "урушнинг азаси"ни тутати. У жангга бўлган ишқини тарқ этганида *willow* – мажнунтол янглиғ қаддини буқиб, ғамга берилади. Қўлига қурол олиб қурашишдан ўзга хунари йўқлигини аниқлагач, *cypress tree* – сарв дарахти қабни ёлғизликда ғам-андух чекади. Шунда у бутун жасоратини тўплаб, *pine tree* – қарағай дарахти мисоли қатъиятлик билан маъбуд Бакес мурожаат қилади. *Ivy* – печак сингари қадахга талпиниб,

ичидаги коп-кора кон рангидаги ғамларини унга ўхшаш *vine* – узум майи билан унутишга ҳаракат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Coolidge O. Greek Myths. – New York: Houghton Mifflin, 1977. – P. 20.
2. Ingram J. Flora Symbolica or the Language sentiment of Flowers. – London: Frederick Warne and Co. – 460p.
3. Hulme E.F. Bards and Blossoms or the Poetry, History and Association of Flowers. – London: Marcus Ward and Co, 1877. – 262 p.
4. Shoberl F. The Language of Flowers. – Philadelphia: Lea & Blanchard, 1848. – 390 p.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдлик. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 680 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдлик. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 671 б.
7. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/myrtle>
8. <http://spenserians.cath.vt.edu/TextRecord.php?action=GET&textsid=33311>

The Ancients him esteemed,
Who in a Battle had from death
Some man of worth redeemed.[8]

Драйтон эмандан тайёрланган гулчамбар (“Oken wreath”) жангчи учун энг улуғ мукофот эканлигини айтади.

Дарҳақиқат, қадимги Римда жангчилар ҳарбий ютуқлари учун турли гулчамбарлар билан тақдирланиши ўзига хос одат бўлган. Улар орасида эман баргларидан тайёрланган гулчамбар бирмунча шарафли ҳисобланган. Чунки бундай гулчамбар Рим фуқароси ҳаётини асраб қолган жангчиларгагина берилган.[4,222]

Антик даврларда эман улуғворлик ва куч-қудрат рамзини маънолари билан боғланган. Манбаларда келтирилишича, Европа халқлари орасида ҳеч бир дарахт унингдек қадри бўлмаган.[8]

Юкоридики зикр қилинган шеърнинг йиғирма иккинчи қаторида келтирилган зайтун (“olive”) тинчлик ва ҳавфсизлик, йиғирма учинчи қатордаги мирт (“myrtle”) эса севги-муҳаббат тимсолларини бадний ифодалашга хизмат қилган.

The Signe of Peace who first displayes,
(Тинчликнинг илк белгиси)

The Olive Wreath possesses: (Зайтун гулчамбари кўрсатади)

The Lover with the Myrtle Sprayes (Маъшуқа гуллаган мирт банди билан)

Adornes his crisped Tresses.[8](Сочини зулфини безайди)

(таржима муаллифлики)

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да зайтунга “донмо яшил тусда бўлган субтропик дарахт” дея таъриф берилган.[6,125] Юнон афсоналарида Зайтуннинг тинчлик ва осудалик маънолари билан улашишига Афина ҳамда Посейдон ўртасида Афина шахрига хомий маъбуд бўлиш устида кечган беллашув сабаб бўлгани айтилади. Бу беллашувда денгиз маъбудни Посейдон шаҳар учун сув келтирган бўлса, маъбуд Афина шаҳар марказида улкан зайтун дарахтини ундирди. Афина шахри ахли эса турмушларига кўп жиҳатлардан нафи теккан зайтун дарахтини афзал кўриб, беллашувда Афинани ғолиб топилди. Шу тариқа беллашув Афина ғалабаси билан якунланади.[1,20] Зайтун одамлар орасида осойишталик ва ҳавфсизлик хисларини ифодаловчи тимсолга айланади.

“Меризм Вебстер луғати” (“Dictionary Meriam Webster”)да миртга “a common evergreen bushy shrub of southern Europe with oval to lance-shaped shiny leaves, fragrant white or rosy flowers and black berries”, яъни “Жанбий Европада унувчи, ҳаминча яшил, сершоҳ дарахт. Барглари овалдан найза шаклига қараб ўзгарган, гуллари хушбўй ва оқ ёки қизил рангда, қора резавор мева” деган изоҳ келтирилган.[7] Мирт гўзаллик маъбудаси Венера номи билан боғланади учун муҳаббат хисларини ифодалашга хизмат қилади. Ундан кўпинча келинлар гулчамбари сифатида кенг фойдаланилган.[4,104]

Ф.Шоберлнинг “Гуллар тили” (“The Language of Flowers”) асарида таъкидланишича, қадимда юнонлар муҳаббат хисси эгаллаган қалбада бошқа хиссиётларга ўрин қолмаганидек, мирт ҳам ўз гўзаллиги ва кўрки-таровати билан унган жойда бошқа ўсимликларни инсон назари илмаслигига ишонилган.[4,105] Мана шу ўхшаш ишонч бу дарахтнинг бадний ижода муҳаббат рамзини ифодалаб келишига асос яратган.

Кейинги бандда шоир хўрланган, ташлаб кетилган муҳаббатни ифодалаш учун мотамзадалик, бахтсизлик ва азоб рамзи сифатида талкин этилувчи мажнунтол (“willow”) тимсолдан фойдаланган:

In Loue the sad forsaken wight (Муҳаббатда ташлаб кетилган инсон)

The Willow Garland weareth: (Мажнунтол гулчамбарини такади).

The Funerall man befitting night, (Тундек қора мотамдаги инсон)

The balefull Cipresse beareth. (Ғамгин сарв дарахтини гутади).

Одатда, мажнунтол марҳумлар қабрига ўтказилиши ва унинг новдалари ерга қараб осилиб туриши инсоннинг мотамсаролик, ғамгинлик, андухли рухий ҳолатини эслатувчи бегис сифатида намоён бўлади. Шунини эътиборга олиб, мажнунтол бадний ижода кўпинча ўз ёридан айрилган ошиқ тол тимсолида талкин этилиши дунё халқлари поэтик анъанасида турғунлашган. Мана шундан келиб чиқиб, Ф.Шоберл бу дарахтга нисбатан “weeping willow”, яъни “йиғлаётган мажнунтол” таърифини келтирган.[4,44]

Шарқда араблар орасида кенг тарқалган Ботшева ҳақидаги афсонада ҳам мажнунтолнинг ғам-андух туфайли тўқилган кўз ёшлардан пайдо бўлганлиги ҳақида сўз юритилади. Унда айтилишича, Довуд подшоҳнинг хузурига икки инсон шикоят билан келади. Улардан бири: “Бу кишининг ҳамма эҳтиёжларига етарли 99 та қўй бор, аммо менда бор қувонч ва завқим бўлган битта қўйим бор эди. Бу инсон ўша яққою ягона қўйимни зўравонлик билан мендан тортиб олди”, – дея шикоят қилади. Буни эшитган Довуд Ботшеванинг эрини ўлдириб, ўзини мажбуран рафиқаликка олганлигини, беғуноҳ хотин-қизларга тўлиб кетган ҳарамини ўйлаб, қилган гуноҳ ишларидан қаттиқ қайғуга ботади. Қаршисидаги икки инсон асли парвардигорнинг икки фарштаси бўлиб, унинг гуноҳларини эслатиш учун узатилганлигини пайкайди ва сажда берилиб истиғфор келтиради. Ниҳоят, унинг қирқ кечаю қирқ кундуз тўққан кўз ёшидан икки ирмоқ пайдо бўлиб, боғга томон оқиб боради ва улардан икки дарахт унб чиқади. Булар йиғлаётган мажнунтол ва кўз ёш тўққан тутатки дарахтлари бўлиб, Довуднинг самимий тавбасини акс эттиради. Худди шу мавзу ўн бешинчи қаторда келган сарв дарахти (“cypress tree”) билан ҳам давом эттирилган. Зеро, Овидийнинг Аполло ва унинг дўсти ҳақидаги ҳикояда сарв дарахти ғам-андух ва мотамсаролик рамзини ифодалаган.

Шеърнинг ўн олтинчи қаторида келган еттинчи рамиз қарағай дарахти “pine tree” (То Pan we dedicate the Pine) номи билан боғланади. Шунингдек, бу ўринда юнонларнинг май ва мастлик маъбудни Бакес (Bacchus)нинг қадимий рамиз саналган печак (“ivy”) номи ҳам тилга олиб ўтилади.

Хулоса. Юкоридики келтирилган флора рамзлари умумлаштирилганда, шеърнинг уруш ва жанглардаги жасоратларидан қучли рухий қувват оладиган тажрибали ва ўз эътиқодларига содиқ жангчи ҳақида экани аниқлашади. Асар бошида қаҳрамон жангчи муқаддам қўлга қиритган ғалабалари ва жасорати учун ғолиблик рамзи – лавр (*laurel*) билан тақдирланади. Унинг олижаноблиги эман (*Oken wreath*) рамзи орқали тасвирланиб, жангчилик маҳорати афиналиклар эътирофи бўйича макталган. Бирок жангчи қанчалик қадрланмасин, тинчлик қарор топгач, унинг хизматида, *Olive Wreath* – зайтун гулчамбари тақдирланади. Ана шунда у салбий хисларга берилиб, ташлаб кетилган муҳаббат рамзи *Myrtle* – мирт каби “урушнинг азаси”ни гутади. У жангга бўлган ишқини тарқ этганида *willow* – мажнунтол янглиқ қаддини букиб, ғамга берилади. Қўлига қурол олиб қурашишдан ўзга ҳунари йўқлигини англагач, *cypress tree* – сарв дарахти каби ёлғизликда ғам-андух чекади Шунда у бутун жасоратини тўплаб, *pine tree* – қарағай дарахти мисоли қатъиятлик билан маъбуд Бакесга мурожаат қилади. *Ivy* – печак сингари қадахга талпиниб,